

Дилафрўз ХОЛМАНОВА

БАҲОР СУВРАТИ


Шеърлар

Қарши
«Насаф» нашриёти
2007

84(55)6-5

Баҳор эпкинларига масрур күнгил кенгликларга «парвоз» этади. «Парвоз» этаётган күнгил гўзал ва бетакрор манзаралар малоҳатидан масрурланиб, соҳиби кўлига қалам тутқазади.

Ёш қаламкаш Дилафрўз Холманованинг мўъжаз тўпламидан жой олган шеърларини ўқир экансиз, шу каби ўйлар хаёлингиздан ўтади.



X 4702620202-30 30-2007 Д.Холманова, 2007 й.
376(06)2007

ISBN 5-7323-0518-1

ЮРТИМ

Бугун дунё тан олди сени,
Тан олдилар сени олимлар.
Озодлигинг барқарор бўлди,
Тинчлигингни бузмас золимлар.

Қувонч, шодлик, дилда ҳаяжон,
Фам-андуҳдан асар йўқ сира.
Байрамингдир юртим - онажон,
Ҳар гўшангда ҳар кун тантана.

Бунча майин эркнинг шамоли,
Димоғимни эркалар эпкин.
Гўзаллашар юртим жамоли,
Баҳра олиб яшаймиз эркин.



ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ

Термулиб-термулиб тўймам ҳеч инсон,
Ҳарир рўмол ўраб турган арчага.
Тилагим, ҳар йили келсин янги йил,
Жаҳон ичра доим барчага.

Осмон кўксидан тушган митти қор,
Заминга ёйганди ўз оппоқ сепин.
Ҳар жойда ҳар лаҳза байрам, шодиёна,
Нишонлар ҳар инсон ўз янги йилин.

Кипригинг устига қўнган митти қор,
Гўёки олмоснинг синган парчаси.
Ҳар уйда туради тўкканча виқор,
Шодлик баҳш этганча байрам арчаси.

КУМУШ ҚИШНИНГ...

Тоғлар оппоқ қор-ла қопланди,
Арчазорлар ҳарир рўмолда.
Гўзаллигин қилур намоён,
Табиат ҳам айни шу онда.
Термуламан, тўймайман боқиб,
Кумуш қишининг бу санъатига.
Юксаклардан боққим келади,
Шу тоб юртим малоҳатига.

ТҮРТ ФАСЛ

Түрт фаслнинг ўз гашти бордир,
Түрталаси ўтар тизилиб.
Баҳор ёзни, куз эса қишини,
Бир-бирини қувлади йиллаб.

Баҳор келса гуллайди замин,
Тирилади, туллайди замин.
Далаларда дәхқон бобом ҳам,
Туну кун ишлайди, йўқ дам.

Бағри тўлиб ёз келар аста,
Мевалари жонга пайваста.
Бағри салқин, меҳри иссикдир,
Гуллар тутар сенга кўп даста.

Шоҳ баргига куз келар сакраб,
Шамдек гўё турар липиллаб.
Дәхқон бобом яна далада,
Хосилини йиғар зипиллаб.

Деразадан тик-тик қиласар қиш,
Оқ чойшабга тушар темир тиш.
Гурзисини урса гуриллаб,
Гоҳ кўркишиб қиласиз миш-миш.

Замин узра уч ой юз тутиб,
Фасллар ҳам келади қайтиб.
Бири келар бирин жўнатиб,
Бир-бирига саломин айтиб.

ҮЙФОНДИ ГУЛБАҲОР

Үйғонди табиат, үйғонди ҳаёт,
Үйғониб берди у ўз саломини.
Елвизак бошлади ажиб бир баёт,
Гулбаҳор бошлади ўз каломини.

Үйғонди мудраган адирлар, қирлар,
Үйғонди булоқлар, уйқучи күллар.
Күнгилнинг энг нозик ҳисларин чалиб,
Баҳорни куйлади хушовоз булбуллар.

Үйғонди она ер кўзин ишқалаб,
Деҳқонга меҳнатнинг очди йўлини.
Үйғонди уйқудан ҳаттоқи дараҳт,
Куртагини ёзиб, очди гулини.

Анҳорга ошиқиб эгилган толлар,
Қизларга этдилар ҳадя жамалак.
Үйғонди қўёшжон, кетди булувлар,
Осмон ҳам безанди мисли камалак.



БАҲОР

Сумалаклар эриди чак-чак,
Баҳор келди мисли келинчак.
Остонаси қутлуғ беланчак,
Ҳар изингдан очилсин чечак.

Эй келинчак, баҳор келинчак,
Шодлик, қувонч файзи - келинчак.
Хуш келибсан ўлкамга, меҳмон,
Сенга ёзай, ёзай дастурхон.

Ҳар бир қўйган қадаминг қутлуғ,
Ҳар келишинг биз учун улуғ.
Келақолгин, кутамиз яна,
Яна шодлик, бўлсин тантана.

БАҲОР КЎРКИ

Гулларнинг ранго-ранг япроқларида,
Рақсга тушади жилвакор баҳор.
Шабнамнинг биллурий титроқларида,
Жамолин кўз-кўз этар ҳар наҳор.

Жар солар қалдирғоч, баҳор элчиси,
Қалбида туғёнли шодлиги тўлиб.
Қоялар устида лолақизғалдоқ,
Алвон сепин ёйган келинчак бўлиб.

Оппоқ гул исидан маст бўлган бодом,
Махлиё баҳорнинг гўзал ҳуснига.
Ям-яшил майсалар, гилос гуллари,
Чирой қўшар гўзал баҳор кўркига.

ОНАЖОН

Дил торларим сизга бахшида,
Мехрингиздан сурар нашида,
Сизга ёзай шеъру қасида,
Мехрингиз кўп, қадрингиз жаҳон -
Онаジョン。

Юзингиз гул тафти каби нурафшон,
Мен учун фаришта сизсиз, онаジョン,
Оёғингиз ости жаннатдир ҳар он,
Мехрингиз қуёшдек нур сочар ҳар он -
Онаジョン。

Сўзланг сиз учун не қилдим, онам,
Оғир кунларимда сизсиз парвонам,
Сиз бирла гўзалдир бу кўхна олам,
Мен учун малҳамсиз, юракка дармон-
Онаジョン。



ОЙГА ЎХШАТДИМ

Эрталабдан мени уйғотиб,
Сочларимни тараган онам.
Мұхаббатин оқ йүргак этиб,
Вужудимга ўраган онам.

Қувончингиз менинг қувончим,
Кулишингиз баҳтимдир, она.
Ишончингиз - менинг ишончим,
Шодлигингиз тахтимдир, она.

Меҳрингизни иссиқ қүёшга,
Чеҳрангизни ойга ўхшатдим.
Қалбингизни шарқироқ тоза,
Ва беғубор сойга ўхшатдим.

Кайда бўлмай, қаерда юрмай,
Сизга хумор бўлиб юргайман.
Менга берган ўгитларингиз,
Доим тумор этиб юргайман.



ЁШЛИГИМ

Шамоллар майлига түэон күтартсинг,
Кумуш қиши кетмай, деб қылсын тавалло.
Умр ўтавериб замонлар ошсинг,
Ташлаб кетма мени ёшлигим, асло.

Майлига, шамоллар бағрини юлсинг,
Майлига, осмон ҳам түксинг күз ёшин.
Майлига, юрагим минг пора бўлсинг,
Ташлаб кетма мени ёшлигим, асло.

Шўхликларим бўлсинг ёнимда ҳамон,
Эркалаб-эркалаб юпатсинг ҳар он.
Ўртамизга тушмасинг ҳижрон,
Ташлаб кетма мени ёшлигим, асло.

ТУН

Бугун хаёл ичра масти бўлиб.
Кўзларимдан уйқуни олди.
Туннинг гўзал аксини кўриб,
Илҳом унга назарин солди.

Оқар дарё оқар шилдираб,
Садо билан оқади мудом.
Кўршапалак тунда довдираб,
Кўзига нур қидирар ҳар дам.

Курбақа ҳам анҳор бўйида,
Туннинг ажиб мадҳини куйлар.
Кўзларим шу туннинг қўйнида -
Хаёлимга қоришар ўйлар.

ОРОМГОХДА

Хушманзара боғлар сўлим, хушҳаво,
Булоқлар шилдираб таратар наво.
Дилга завқ бағишилар қушлар хўп сайраб,
Хордик оляяпмиз қувониб, яйраб.

Қўшиқлар куйлаймиз, завққа тўлар дил,
Қувлашиб ўйнаймиз, яйрайди кўнгил.
Минг шукур бахтиёр болалик учун,
Қувончлар оламни тутгани учун.

КАПАЛАКЖОН

Эй капалак, мунис капалак,
Бунча нозик бунча сергаксан.
Тутолмайин мен эса ҳалак,
Миттигина нозик зираксан.

Шоҳдан-шоҳга учасан гоҳо,
Гулзоримга қўнасан гоҳо.
Учасан-ей, учасан беғам,
Нега ором олмайсан бир дам.

Кел, дўст тутай қалбимга сени,
Мендан сира чўчима зинҳор.
Кел, қўниб кўр кафтимга мени,
Қанотингдек ишончим зарҳал.

ҚАНИ БУГУН

Қани бугун оппоқ қуш бўлсам,
Самоларни айласам парвоз.
Ҳавас, орзу билан маст бўлиб,
Ғам-кулфатни унутсам бироз.

Қани бугун шошқин дарёдай,
Елиб-елиб пишқириб оқсам.
Индамаса, анҳор бўйида,
Мажнунтолдан сочпопук тақсам.

Қани бугун хаёлларим ҳам,
Мен билан-да сұхбатлар курса.
Дилдан орзу-умидлар билан,
Ниятларим амалга ошса.

Қани бугун бирорта инсон,
Орзуларга бермаса халал.
Үтинаман илтижо қилиб,
Етакласа йўлларга хаёл.



ЯХШИЛИК

Нажот истаб уйингга келса гар бирор,
Ширин сўзларинг-ла қаршила дарров,
Қўлингдан келгунча яхшилик қилгин,
Яхшиликни яқин ҳамроҳинг қилгин.

Картайиб беллари букилган чолга,
Кўрсатилган меҳр, айтилган калом,
Дуо-олтин, умринг қоргайдир болга,
Дилингга тукканинг бўлсин эҳтиром.

Миннат кўчасидан ўтмагин бир он,
Хатто хаёлингни бермагин унга.
Сахий юрагингга тўкилсин осмон,
Дунё таъзим қилсин ўтли севгингга.



БҮЛСАМ

Бугун қалбим изтиробда, севинчим йўқ,
Фам-ғуссадан дардлашувчи куюнчим йўқ,
Нетай,хижрон азобидан ҳеч тинчим йўқ,
Ёнгинамда кўрмаяпман нега Тоҳирни?

Мард йигит кўзларига киприк бўлсайдим,
Унинг анҳорига, ирмоғига кўприк бўлсайдим,
Ишқ ичра Зухро каби қўшиқ бўлсайдим,
Шеърга дафтар қилиб тутаяпман бағирни.

Қуёш бўлса, нурларининг камони бўлсам,
Мұҳаббатда бир Тоҳирнинг армони бўлсам,
Сандик оқиб бораётган дарёдай тўлсам,
Тўлқин ўйлар эркалайди бугун меҳрни.



МУНДАРИЖА

Юртим.....	3
Янги йил арчаси.....	4
Кумуш қишининг.....	4
Тўрт фасл.....	5
Уйғонди гулбахор.....	6
Баҳор.....	7
Баҳор кўрки.....	7
Онажон.....	8
Ойга ўхшатдим.....	9
Ёшлигим.....	10
Тун.....	10
Оромгоҳда.....	11
Капалакжон.....	11
Қани буғун.....	12
Яхшилик.....	13
Бўлсам.....	14

АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР

ХОЛМАНОВА ДИЛАФРҮЗ

БАҲОР СУВРАТИ

Шеърлар

Муҳаррир: З.Омонова.

Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.

Мусахҳих: З.Очилова.

ИБ 1100

Теришга 7.06.2007 йилда берилди. Босишга 15.06.2007
йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Шартли босма
табоғи 0,84. Шартли бўёқ- отт. 0,90. Нашр босма табоғи
0,57. 33 - 2007-шартнома. 43-буюртма. 100 нусхада. Эркин
нархда.

«Насаф» нашриёти, 730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 22-уй.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳузуридаги
«Матбаа» цехида чоп этилди.

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.